

## ИНСОН КАМОЛОТИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ АҲАМИЯТИ

**Н. М. Кошанова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)  
[koshanovanilufar512@gmail.com](mailto:koshanovanilufar512@gmail.com)

**А. Алимухамедова**

“Ижтимоий иш” йўналиши талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Марказий Осиёлик қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илм-фанга қўшган салмоқли ҳиссаси, унинг илмий ёндашувларига маҳаллий ва хорижий олимларнинг берган баҳоси, ҳамда комил инсон тарбиясидаги алломанинг педагогик қарашлари таҳлил қилинган ва ўрганилган.

**Калит сўзлар:** уйғониш даври, илмий-маърифий фаолият, педагогик ғоя, танқидий таҳлил, ўқитиш усуллари, ахлоқ категориялари, инсон камолоти, меҳнат тарбияси.

### ABSTRACT

This article analyzes and studies the significant contribution of the Central Asian encyclopedist Abu Rayhan Beruni to science, the assessment of his scientific approaches by local and foreign scholars, as well as the pedagogical views of the scholar in the education of the perfect man.

**Keywords:** awakening period, scientific-educational activity, pedagogical idea, critical analysis, teaching methods, moral categories, human maturity, labor education.

### КИРИШ

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида баркамол авлодни тарбиялаш масаласи етакчи масала бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос ёндашувлар ва тенденциялар ҳукмрон бўлган. Аммо минг йиллар ўтган бўлсада, аждодларимиз томонидан илгари сурилган педагогик қарашлар шу даражада қимматлики, улар ҳозирги шиддаткор, XXI аср учун ҳам аҳамиятлидир. Ушбу илмий мерос намуналарини ўрганиш, аждодларимизнинг самарали ва илғор ғояларини



педагогика соҳасидаги аҳамиятини таҳлил қилиш ҳар бир миллат фарзандининг бурчи ҳисобланади.

Марказий Осиё тупроғида дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган олиму мутафаккирлар, буёк саркардалар, ислом билимдонлари дунёга келган. Шарк реннесанси даврига сабабчи бўлган, дунё тан олган қомусий олимларимиздан Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби бобокалонларимиз илму фаннинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб бизгача улкан илмий меросни қолдирганлар. Мамлакатимизда аждодларимиз хотирасини қайта тиклаш ва абадийлаштириш, уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб ворис сифатида тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Шу жумладан, президентимиз Ш.Мирзиёев 3- реннесанс даврига мос авлод тарбияси масаласини етакчи масала сифатида қўтариб чиқдилар ва шу мақсаддан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим-тарбия масаласида шиддатли ва самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Учинчи ренессанс - мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар – кишиларимиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлиши кўзда тутилмоқда. Биз ҳақли равишда фахр ва ғурур билан тилга оладиган бобокалонимиз орасида Абу Райҳон Беруний қолдирган илмий мерос билан қанча ғурурлансак арзийди. У биринчи шарқшунос олим сифатида жаҳон илм-фан вакиллари томонидан ўз даврининг энг буюк ақл-заковати сифатида эътироф этилган. Берунийнинг илм денгизи нақадар кенг эканлигини унинг қомусий олим сифатида яратган асарлари орқали ҳам билиб олиш мумкун.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДАЛОГИЯСИ

Беруний илмий меросини тизимли ўрганиш, асарларини европа тилларига таржима қилиш, шарҳлаш асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Беруний номи дунёда Птолемей, Леонардо да Винчи, Коперник, Ломоносов ва бошқа олимларнинг номлари билан бир қаторда тилга олинади. Маҳаллий шарқшунос олимларимиздан **М.Исҳоқов** алломанинг минералогия соҳасига қўшган ҳиссаси борасида илмий изланишлар олиб борган[4]. **Д.Тожиёв** эса унинг илмий ҳаёти ва изланишларини тизимли ўрганган [5].

Таниқли америкалик тарихчи **Ж. Сартон** XI асрнинг биринчи ярмини жаҳон фани тарихида ҳақли равишда

“Беруний даври” деб аташ лозимлигини эътироф қилиб, мутафаккирнинг илмий қарашларига юксак баҳо беради. **Ж. Рено, Б. Бонкомпagni, М. Фиорини, Э. Видеманн, Г. Зутер, К. Шой, С. Х. Наср** каби олимлар Беруний илмий меросининг турли жиҳатларини ўрганганлар. Рус олимларидан **А.А. Семенов, И. Ю. Крачковский, А.М. Беленицкий, В.В. Бартолд** кабилар ҳам ўз илмий асрларини яратишда қомусий олим илмий таҳлилларига таянган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Собиқ СССР даврида, 1948-йилда Абу Райхон Беруний вафотининг 900 йиллиги муносабати билан дунёнинг кўплаб давлатларида анжуманлар, учрашувлар ўтказилди. 1972-йилда Тошкент шаҳрида Беруний таваллудининг 998 йиллиги муносабати билан илмий семинар ташкил қилиниб бунда Берунийнинг педагогик ғояларини аниқлаш ва тизимлаштириш, илмий-маърифий фаолиятини ёритиб бериш етакчи масала сифатида қаралди. У бир вақтнинг ўзида астраном, астролог, математик, биолог, географ, ўлкашунос, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, файласуф, социолог, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган. Шунга асосланиб Берунийга нисбатан унинг **“шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир,-деб таъриф беришган [5;85]**. Манбаларда таъкидланишича, олим 160 га яқин асар ёзган бўлиб, 40 дан ортиқ қўлёзма кўринишидаги китоблари етиб келган. Беруний илм йўлини ўрганган шарқшунослар, Беруний асарларини қуйидагича тақсимланади: астраномияга оид-70 та; математикага оид- 20 та; география, геодезияга оид- 4 та; картографияга оид-4 та; иқлим ва об-ҳвога оид-3 та; минералогияга оид-3 та; фалсафага оид - 4 та; физикага оид - 1 та; доришуносликга оид - 2 та; тарих ва этнографияга оид - 15 та; адабиётга оид асарлари 28 тадир. Берунийнинг астраномия, математика, геодезия, физика, фалсафа, тарих, минералогия соҳаларидаги асарлари шарқ ва ғарб олимлари томонидан ўрганилган. Берунийнинг асосий фаолият соҳаси астраномия ва унга алоқадор геометрия ва тригонометрия эди. Абу Райхон ўз даврининг реакцион руҳонийлар қаршилигига қарамасдан самарали ижод қилган. Беруний эришган ажойиб натижалар, у яшаган даврдаги таълим кўриниши ва шаклларида бевосита қизиқиш уйғотиши табиий. Беруний даври таҳликали, кескин ижтимоий тўқнашувлар, ўзаро урушлар даври бўлган. У яшаган X-XI асрлардаги таълим тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, мусулмон руҳонийлари бошчилигидаги мактаблар икки турга бўлинган:

- бошланғич мактаб;
- олий мактаб- мадраса.

Одатда мактаблар масжид худудида фаолит кўрсатган. Ҳозирги давр педагоглари уйғониш даври мутафаккирлари яшаган даврдаги шароит билан ҳозирги даврни таққослаганда., улар яшаган давр ва босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда машаққатли бўлганлигини ёшларга ўрнак сифатида кўрсатадилар. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги техноген цивилизация ва глобаллашув бир томондан, инсон ҳаётини енгиллаштирамоқда. Иккинчи томондан эса, қийинчилик кўрмаган, беаҳват ҳаёт билан таъминламоқда. Ваҳоланки, инсон ҳаётидаги заҳматли йўл унинг чиникишига ва янада сабрли бўлишига замин бўлади. Беруний ҳаётининг дастлабки йиллари ҳақида маълумотлар жуда кам. Бу ҳақда унинг ўз ҳаёти ҳақида ёзилган куйидаги мисраларида отасини билмаслигини, отасини билмаганлиги сабабли табиийки бобосини билмаслигини айтади. Беруний ёшлигиданоқ билимга иштиёқни намоен этган. X аср охирида таниқли математик ва астроном Абу Наср Мансур Ибн Ироқ 10-аср охирида Катда фаолият кўрсатган вақтида ёш Берунийнинг қобилиятлари Ибн Ироқнинг эътиборини тортади ва у уни қўллаб-қувватлаб, унга ҳар томонлама таълим беришни бошлайди. Абу Насрнинг асарлари унинг биринчи навбатда сферик астрономия ва сфера геометриясига қизиққанидан далолат беради. У ўз шогирди Абу Райхон Берунийни ана шу қизиқишлар руҳида тарбиялаган. Унинг учун математика ва астрономиянинг бу соҳалари азалдан энг яқин бўлган, унинг қалбида доимо ўз устозига меҳр-муҳаббат, миннатдорлик хотираси ва чуқур ҳурмат-эҳтиром билан яшаган [3;80]. Беруний болалигиданоқ қизиқувчанлиги билан ажралиб турарди. Беруний илми биринчи навбатда ўзи излаган, бунинг учун на вақтини, на кучини аямаган. У бутун умрини ўқиди ва Абу Наср раҳнамолигида астрономия, математикани бўйича билимларни мукамал эгаллайди. Мустақил равишда фалсафани ва қўплаб тилларни ўрганади. Беруний форс ва араб тилларидан ташқари юнон ва сурий тилларини ҳам билган. Беруний ҳаётининг сўнгги йилларида иккита йирик асар – “Заргарлик илми учун маълумотлар тўплами” устида ишлади, “Фармакогнозия” қисмини тугатишга улгурмайди. Абу Райхон Беруний 1048 йил 11 декабрда Хуросоннинг Ғазна шаҳрида вафот этади.

Унинг илмий мероси ва педагогик қарашлари нафақат ўз даври (илк ўрта асрлар) балки, ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир. Берунийнинг илм олиш ва унинг йўллари ва маъноси ҳақидаги фикрлари қўплаб асарларда учрайди. У билишда оғзаки ва ёзма ёдгорликларни ўрганиш, олинган маълумотларга танқидий

ёндашиш, ҳақиқатни аниқлаш учун уларни таққослаш, далилларни мантиқий умумлаштириш, хулосаларни назарияга айлантириш борасида фикр юритади Беруний илмий услубига хос хусусиятлар ва асослар шулардир. Илмий билишда бу усуллар қўл келишини айтади. Ўрта асрда бундай мушоҳада қилиш албатта, жуда катта натижадир. Беруний ўқитишда визуализациянинг аҳамиятини таъкидлаган. Унинг фикрича, визуализация ўрганишни янада қулай, аниқ ва қизиқарли қилади. Кузатиш эса тафаккурни ривожлантиради. Беруний ўқув жараёнида визуализатсия зарурияти ҳақида гапириб, шундай деб ёзган эди: **“Кўринадиган нарсани тасаввур қилишга одатланганинда, аста-секин тасаввур қилинадиган нарсага ўтиш осон бўлади”**. Олим равшанликдан ташқари материалнинг изчиллиги ва тизимли тақдим этилишига, унинг узатилишига катта аҳамият беради. У фанларнинг фундаментал тамойилларини билмасдан туриб, инсоннинг илмий фаолияти маъносиз, деб ҳисоблаган. Буюк олим таълим-тарбияни доимо катъий илмий асосда бўлиши кераклигини айтади. **“Хронология”** асарида маълумотларнинг илмий жиҳатдан катъийлиги ва тўғрилигини, уларнинг ҳаммасини аниқлаб олгунча, ноаниқ маълумотларни етказишдан ўзини тутиш кераклигини таъкидлайди. Яъни ҳар қандай мулоҳаза етарли асосга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб, шубҳали ва номаълум маълумотларни қўшмасликга чақиради. Биз Берунийни асосли равишда етук танқидчи ва таҳлилчи олим сифатида ҳам биламиз. Сабаби у ўз давридаги кўплаб, тарихий ва астрономик чалкашликларнинг тўғри ечимини беришга ҳаракат қилади[1]. Беруний **“Минералогия”** номли бошқа асарида илм завқи ҳақида шундай дейди: **“Ҳақиқий завқ, инсон унга интилилса кучаяди, одам унга шунчалик эга бўлади. Олдин билмаган нарсаларини ўрганса, инсон қалбининг ҳолати шундай бўлади”**<sup>1</sup>-дейди. Беруний ўрганиш мотивлари, кўргазмалари ва амалий методлар, бажарилган иш ва олинган билимларни текшириш ва баҳолашнинг ўрни ҳақида асарлаида кўплаб мисоллар келтиради. Унинг фикрича ўқув жараёни изчиллик тамойилари асосида қурилиши лозим. Мутафаккир ўқув жараёнида мақсадлиликка алоҳида аҳамият қаратади. Берунийнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаблар ҳақидаги фикрлари ҳам қимматли бўлиб қўлланма илмий характерга эга бўлиши, равшанлик, қулайликга эга бўлиши. Берунийнинг таълим мазмуни ҳақидаги ғоялари у яшаган даврда, шубҳасиз, катта прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги замонавий дидактиканинг негизидан ҳам мавжудлиги диққатга сазовордир. Абу Райҳон Беруний илм-фан, билимларни жамиятга ёйиш, меҳнатсеварлик билан

халқни жаҳолатдан, қашшоқликдан халос қилиш мумкин, деб ҳисоблаблаган. Одамларни ўзида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашга чақириб, билим олиш катта ва машаққатли меҳнат, куч, вақт ва сабр-тоқат талаб қилишини таъкидлайди. Бизга маълумки, инсондаги қобилиятлар, билиш имкониятлари турлича ва ўзига хосдир. Беруний бу борада одамлардаги хотира ва эслаш қобилиятининг турлича эканлиги ҳақида тўхталиб, баъзилар бундай қобилиятга эга, баъзилар эса меҳнат ва меҳнат билан эришишини айтади. Билим, Беруний фикрича, инсонни олийжаноб қилади, уни меҳрибон ва ақлли қилади. У «билимнинг софлигидан бошқа» ҳеч нарса йўқлигини таъкидлайди. Буюк мутафаккир илм-фан ёрдамида тарбияланган юксак интеллектуал ва ахлоқий мезонларни кенг жорий этиш жараёнида комилликка эришиш мумкин, дея таълим беради. Беруний билим инсонни тўғри йўлга бошлаб боришига чуқур ишонч ҳосил қилган. У фақат билимли инсон бўлиш, «олийжаноб» хулқ-атвор қоидаларини билишнинг ўзи кифоя эмас, асосийси бу билимларни амалда қўллай билиш, деган ғояси ҳар бир давр учун жуда аҳамиятлидир. Олимнинг бу фикри психолог М. Г. Давлетшин илмий ёндашувларида ҳам акас этади. М. Г. Давлетшин *“Ахлоқий хулқ-атворнинг зарурий шарти ахлоқий хулқ-атворнинг тегишли даражасини таъминламайдиган билимдир”*-дейди. Бундан ташқари, билимларни ўз-ўзидан мос келадиган ахлоқий хатти-ҳаракатлар амалиётисиз ўзлаштириш, ахлоқий билим ва инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракати ўртасидаги тафовутда ифодаланган "ахлоқий расмиятчилик" деб аталадиган нарсанинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкунлигини эътироф қилади [6]. Беруний меҳнат тарбиясига катта аҳамият берган. Олимнинг фикрича, боланинг тўғри ривожланишининг зарурий шарти меҳнатдир. Моддий қадриятларни яратишда айнан меҳнат асосий омил ҳисобланади. Беруний ҳаётни, бахтни меҳнатсиз тасаввур этмаган, меҳнат орқали тарбияни инсон ҳаётининг асоси деб ҳисоблаган. Беруний меҳнат билан тарбиялаш ҳақида гапирар экан, ироданинг катта аҳамиятини қайд этади. Ўз мақсадига эришиш ва билим олиш йўлидаги матонат ҳақида шундай ёзади: *«Ўтмишда Птолемей усулини уйғунлаштириш учун кўп меҳнат қилдим»*. Ўрганиш жараёнида инсон учун ҳамма нарса қизиқ эмаслиги, аммо иродани кучайтириш туфайли у қийинчиликларни енгиб ўтишни ўрганиши муҳумлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам педагогиканинг таълим ва тарбия деб аталувчи иккита бўлими бир-бирига таъсир кўрсатади. Таълим орқали тарбиялаш, тарбия орқали эса таълимга рағбатини ошириш мумкун бўлади. Юқоридаги фикрлари орқали буюк мутафаккир илм олиш инсон сабр-тоқати ва иродасини мустаҳкамлайдиган бўлса,

бунинг ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигига шама қилади. Унинг асарларида ор-номус, кадр-қиммат, дўстлик, эзгулик, адолат ва виждон каби ахлоқ категорияларига катта аҳамият берилади. Сўнги маълумотларга кўра Беруний илмий билишнинг янги методларини ишлаб чиққан ва ривожлантирган. Ҳар қандай билимнинг тажриба билан бойитилиши ва амалиёт натижасида ривожлантирилиши фойдадан ҳоли бўлмаслигини айтади. Илм излаётган инсон амалиётга асосланиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар қандай уйдирма ва юзакичиликга қарши курашиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари илм йўлидаги ҳар бир тадқиқотчи учун дастурамал бўла олади. У инсон камолотида қуйидаги 3 та нарсанинг муҳумлигини таъкидлайди:

- ирсият;
- ижтимоий муҳит;
- тўғри таълим-тарбия.

Берунийнинг ушбу фикрлари Европа уйғониш даври вакиллари: Петрарка, Бокаччо, Солютатилардан ҳам илгари асосланганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бундан ташқари бобокалонимиз инсондаги ахлоқийликни ҳам муҳум жиҳат сифатида келтириб ўтади. Геодезия асарида “Ҳар қандай кузутувчи(олим) диққат билан ўлчасин, ҳамиша ўз ишларидан қониқмасин, ўз ишларини қайта-қайта текшириб турсин, мумкун қадар камроқ ғурурлансин, тобора тиришқоқлик билан ишласин ва меҳнатда ҳеч маҳал зерикмасин”-дейди. Бу фикрлари орқали аллома келажак авлодга илмнинг машаққатли йўл эканлиги, бу йўлда ғурурланиш керак эмаслиги, ўзидан қаноатланиш эса илмий изланишдан тўхтаб қолишга сабаб бўлиши ва инсон камолотига салбий таъсир қилишини, қайта-қайта текшириш орқали олим ўз билимини бойитиб боришини айтади. Астойдил, тиришқоқлик билан қилинган меҳнат ўз натижасини беришини ва ўз эгасига фойда келтиришини таъкидлайди.

## ХУЛОСА

Ҳар бир авлод ўз аждодларига муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Зеро, биз ушбу муқаддас масканда туғилганимизга қанчалик шукрона келтирсак ҳам кам. Сабаби дунё тамаддунига бемисл ҳисса қўшган олиму фозилларнинг кўпчилиги ушбу маскан фарзандларидир. Қайсики мамлакатда келажак авлод таълим-тарбияга юксак эътибор қаратилса, ўз натижасини бериши табиий. Ҳозирда мамлакатимизда илму фанга берилаётган эътибор ва эътироф шубҳасиз, келгусида



Беруний, Фаробий, Навоий каби илм эгаларини тарбиялашимизга имкон беради.

### REFERENCES

1. Abu Rayhon Beruniy .Tanlangan asarlar. “Fan” nashriyoti-Toshkent-1998
2. Абу райхон Беруний .Танланган асарлар.Тошкент,1968, Абу Рейхан Беруни.Минералогия,Т.:1968.-С.171.
3. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни.- Ташкент, Фан.1972.-С.80.
4. М.Исҳоқов.Абу Райхон Беруний нефрит ва Хитой ҳақида.
5. Д.Тожиев.Абу Райхон Берунийнинг илмий хазинаси тарихига бир назар.// “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal-(2) I/2010.-P 85-90.
6. Давлетшин М.Г. Психологические основы нравственного воспитания.- Ташкент:1975.
7. Насыров А. Список трудов Бируни - великий ученый средневековья.- Ташкент.1950.
8. Нурутдинова З. Г. Педагогические идеи Абу Райхана Беруни.- Ташкент. Изд. «Фан».1989.
9. Шарипов А. Великий мыслитель Беруни.-Ташкент, 7 Давлетшин М.Г. Психологические основы нравственного воспитания.-Ташкент:1975.с.52-53.